

ТУРДАЛИ ТҮРАҚУЛОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан 14-мактабда раҳматли Турдали Тұрақулов устоз хотирасига бағишиланған адабий-бадиий кека ташкил этилди. Тадбирга 14-мактабда меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётгап фахрий устозлар ҳамда Тұрақулов оила аъзолари, ММТБдан меҳмонлар ташриф буюришди.

Устоз билан узоқ йиллар биргаликда фаолият юритгап фахрийлар хотираларини ўртоқлашдилар. Жамоадаги шогирдлар ҳам дил сүзларини йўллашди.

Таълим даргоҳида ишлаб, бу ёруғ оламдан кўз юмган таълим фидойилари хотирланди.

Жамоадаги устозларнинг барчаси тадбирга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг чиқишилари барчага манзур бўлди.

Тадбирдан сўнг мактаб ўқувчилари иштирокида Хотира турнири спорт мусобақалари ўтказилди. Шундан сўнг фахрийлар бир пиёла чой устида ўтганларни хотирлашди.

Маълумот ўрнида раҳматли Т.Тұрақулов 1963 йил 1 январда Хонобод қишлоғида таваллуд топган. 1980 йилда ўрта мактабни, сўнг ҚДПИини тамомлаб, меҳнат фаолиятини 12-мактабда бошлайди. Аввал ўқитувчи, директор ўринбосари, директор, туман ҳокимининг ўринбосари лавозимида самарали меҳнат қилиб, 1997 йилдан то умрининг сўнгигача 14-мактабда директор лавозимида ишлади. Бир неча чақириқ туман кенгashi депутатлигига сайланган. Спорт фидойиси бўлган Турдали Тұрақулов курашни ривожланишига, Хонободдан мамлакат, Осиё, жаҳон чемпионлари чиқишида катта ҳисса қўшган.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2023-05-10 19:09:48